
#Энергетика_хавфсизлиги_ойи ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДОИРАСИДА БАҒДОД ТУМАНИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугун Бағдод туманидаги “Мурувват” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Маданият марказида энергия ресурсларини иқтисод қилиш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва рейд тадбирларини кучайтириш юзасидан амалий семинар машғулоти ўтказилди.

Семинарда ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла раислари, фаоллар, бошқарув сервис компаниялари, тадбиркорлар ва 100 нафарга яқин аҳоли иштирок этди.

Тадбирда энергия ресурсларни иқтисод қилиш бўйича белгиланган режаларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига муқобил энергия манбалари ўрнатишнинг афзалликлари ҳамда имтиёзлари мутахассислар томонидан батафсил тушунтириб берилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-11-05 18:02:34